



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 декабрь, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 239 (1241)

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ



СУРАТДА: мажлис пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Ўзбеки-

стон Республикаси Миллий Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисида «Миллий хавфсизлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб

чиқилди, уюшган жиноятчилик ва порага солишга қарши курашни янада кучайтириш чоралари, шунингдек жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва барқарорликни таъминлаш юзасидан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Республика Президенти Ислам Каримов мажлисида миллий хавфсизлик соҳасидаги стратегик йўналишларни белгилаб, амалий вазифаларга доир топшириқлар берди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Британия Кенгашининг жанубий ва шарқий Европа бўйича ҳудудий директори Петер Саннфорд раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига таъриф буюрди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Британия Кенгаши ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Британия Кенгаши Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор бермоқда. У асосан турли мамлакатларнинг олий ўқув юрталари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, инглиз тилини ўрганиш марказлари ташкил этиш каби ишлар билан шуғулланади.

Учрашув чоғида Ўзбекистонда Британия Кенгашининг ваколатхонасини очишга келишиб олинди. Учрашув сўнггида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Британия Кенгаши ўртасида маъмур ташкилотнинг мамлакатимиздаги фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Меморандумни республика ташқи ишлар вазирлиги Абдуллазиз Комилов, Британия Кенгашининг жанубий ва шарқий Европа бўйича ҳудудий директори Петер Саннфорд имзолади.

Меморандумни имзолаш маросимида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР



ЖАҲОНГИР ЮРТИДА КЎПКАРИ

Яккабоғ туманидаги Аминсой адирини юзлаб отлар дўғири ларзага келтирди.

Бу ерда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўпқари ва виллоят қишлоқ хўжалиги меҳнатқашларининг ҳосил байрами бўлди. Кўпқарида Қашқадарёнинг барча туман ва қишлоқлари, қўшни виллоят ва республикалардан келган 500 дан зиёд чавандоз қатнашди. Яқкабоғлик Шерали Ражабов бош соврин — УАЗ-469 русумли машина соҳиб бўлди.

ЖОМБОЙНИНГ НОНИ ШИРЎН

Жомбой ун комбинатида тўйимлиги ва парhez-боплиги билан ажралиб турувчи «Ўзбекистон» намли ун ишлаб чиқарилади. Шунингдек, аҳолининг талабларини ҳисобга олиб 3 ва 5 килограммлик идишларга ун қadoқлаш ҳам йўлга қўйилди. Айни кунда комбинатнинг бир қанча фирма дўконлари аҳоли хизматида.

Лаборантлар Т. Лисенская ва Д. Ахмедовлар иш устида.

ЯНГИ МАШИНАЛАР ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ҚАТНАЙДИ

Марғилон-Фарғона ва Янги Марғилон шаҳар йўналишларида микров автобуслар қатнай бошлади.

Янги Марғилонда фаолият кўрсатаётган «Марғилон тонгити» кичик корхонаси раҳбарларининг савий-ҳаракати билан пилла чиқитилар эъзизга Хитойдан еттига «Шин-Ли» русумли ана шундай автобус олиб келинди. 18 ўринли бу машиналар йўловчи учун ҳам, ҳайдовчи учун ҳам ғоят қулай.

КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тахсис таркиб маънавий-маданий тарбиясини юксалтириш, улар ўртасида миллий анъаналар, ҳалқ санъати ва оғзаки ижодини тарғиб этиш мақсадида биринчи республика кўрик-танлови ўтказди.

Тошкентда — Ҳамза номидаги академик драма театрида уч кун давом этган акциянинг босқичи Қорақалпоғистон Республикаси ва виллоятлардан ун тўққиз бадий ҳанаскорлик жамоаси қатнашди. Ҳали жамоалар ва яқка ижрочиларга мукофотлар топширилди.

МАҚСАД — ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ

Наманган аҳоли соғлиғини сақлаш бемқармаси қўшни «Саломатлик» жамғармаси таъкил этилди.

Янги жамғарма маблағи давлат корхоналари, муассасалари, тижорат ташкилотлари бадали ҳамда фуқароларнинг эҳсонларидан ташкил топади. Бу маблағдан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун фойдаланилади. Ҳар бир шифохона доимий ҳолий бирикитириб қўйилди. Ҳомийлар — йирик саноат корхоналари ёки ташкилотлар давлолаш муассасаларига аввало уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилашга ёрдам бери-

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

«Андижонмебель» ҳиссалдорлик жамиятида тайёрланаётган мебеллар кўркам ва ишчилик жиҳазида хорижникидан қолишмаяпти. Шу бонс аҳоли ва корхоналардан кўплаб буюртмалар тушмаяпти. Уюшма усталари йил охиригача режалдан тахқари яна 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи.

СУРАТДА: уста Фойил ЮСУПОВ.

МУСАВВИР ЁЗГАН КИТОБ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, ранг тасвирди кўнга қўриган мусаввир Ортиққили Қўзқўянинг сави асарлари жамланган китоби босилиб чиқди.

Республика «Матанавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида китобнинг тақдимоти бўлди. Шу муносабат билан ижодкорнинг расмлари кўрғазмаси ташкил этилди. Муаввирнинг «Наврў», «Бахт остоғасида», «Кун ва тул» каби асарлари томошабинларда айниқса катта таассурот қолдирди.

Э. ХОЛИМРАЕВ, Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.

АЁЛЛАР, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

«ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида «Аёллар, экология ва саломатлик» мавзусига бағишланган учрашув бўлди.

Унда республика жамоат бирлашмалари ва жамғармаларининг раҳбарлари, олимлар, бир қанча хорижий мамлакатларнинг фавқулодда ва мухтор элчиларининг раҳбарлари ҳамда Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналарида ишлаётган хотин-қизлар иштирок этишди.

Учрашувни «ЭКОСАН» жамғармаси президенти, профессор Юсуфжон Шодиметов очди. Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова тўпланганларга мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг минтақа экология ҳолатини яхшилашга қаратилган фаолияти ҳақида сўзлаб берди. У республика раҳбарияти амалга ошираётган ислохотлар сиёсатининг негизи — унинг иж-

тимоий йўналиши эканини, шу сабабли Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий муҳофазага кўпроқ муҳтож бўлган қисми, яъни хотин-қизлар ва болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганини таъкидлади. Айрим жойларда, аввало Орол бўйида вужудга келган оғир экология вазиятини яхшилаш учун жуда кўп иш қилинмоқда.

Бу ишда жамоат ташкилотлари ва жамғармалар, хотин-қизлар бирлашмалари ҳукуматга катта ёрдам бермоқда. Яқинда «ЭКОСАН» жамғармасида хотин-қизлар уюшмаси таъкил этилди. Бу уюшма экология билимларини тарғиб қилиш билан шуғулланмоқда, ижтимоий-экологик лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Кейинги пайтларда турли халқаро ташкилотларнинг мадди то-

бора сезиларли бўлиб бормоқда. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида Нукус шаҳрида Орол дельтаси ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор тараққиёти бўйича халқаро конференция яқунлари юзасидан имзоланган Нукус декларацияси қондаларини рўёбга чиқаришга фаолият билан қўшилишди.

Учрашув иштирокчилари ўз нутқларида таъкидлашганидек, жаҳон ҳам-жамиятининг ёрдами янада самаралироқ бўлиши учун бу ёрдам аниқ мақсадларга қаратилиши керак. Тўпланганлар халқаро ташкилотларнинг минтақадаги экология муаммоларини ҳал этишга, Орол танлиги оқибатларини бартараф этишга ва айниқса, давлатнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган савий-ҳаракатларини бириктириш ҳамда мувофиқлаштириш зарур деган яқдил фикрни билдирдилар.

(ЎЗА)

СЕУЛДА ДАВОЛАНИШАДИ

Юрак хасталигига чалинган тўрт нафар ўзбекистонлик бола 11 декабрь куни даволаниш учун Сеулга жўнаб кетди. Болаларга уларнинг оналари ва Ўзбекистон Республикаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг бош мутахассиси ҳамроҳлик қилмоқда.

Ушбу хайрия тadbир мамлакатимиз билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ҳар томонлама ривож топиб бораётганини кўрсатади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг шу йил февраль ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ана шундай хайрли ишлар, жумладан, соғлиқни сақлаш борасида ҳам ўзаро кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида келишиб олинган эди. Келишувнинг амалий натижалари ўларок, Корея

кардиология жамғармаси оғир юрак хасталигига чалинган тўрт нафар ўзбекистонлик болани Сеулга даволанишга таклиф қилди.

Болаларни корейлик шифокор-мутахассислар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим қилган рўйхатдан танлаб олди. Мазкур хайрли тadbирга Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси, «Шафқат уйи» номли корей миссионерлар жамияти ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳомийлик қилмоқда.

«Болалар Кореяда юкори малакали жарроҳлар кўлида даволанадилар ва уларга юксак тиббий хизмат кўрсатилади. Уларнинг тез орада ватанига соғайиб қайтишдан умидвормиз», дейди Тошкент аэропортида бўлиб ўтган болаларни кузатиш маросимида «Соғлом авлод учун» жамғарма-

(ЎЗА)

«ЎЗБЕКИСТОН» САХОВАТИ

Дўстлик туманидаги «Ўзбекистон» шижалар бирлашмасининг соғлиқдорлари болалар мева-дархатларга шакл бериш, тагини қўйиш, сўғирчи ишларини кетма-кет бажаришмоқда.

Чўлдаги боғларда мева-чева тўкин бўлди. Буғурдан қариб икки баробар кўп — уч ярим минг тонна узум шу ернинг ўзига қайта ишланиб, вино ҳамда шарбат олинди. Юз тоннадан кўпроқ сарф-харажатлар ички дастурхон учун сақлаб қўйилди.

Бирортаям танқид иттижасиз қолмайди

«БОҒ ЯНА ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ БЎЛИШИДАН УМИДВОРИМIZ»

(«Халқ сўзи», 1995 йил 25 октябрь)

Бир вақтлар Оқтепа мансисидagi Ёсенин қуёсида ажойиб боғ — дам олиш маскани бўларди. Бу ердаги ям-яшил арчалар, хибонлар, фанворчалар кинигига ҳузур бағишлар, одамлар бўш пайтларида кўкаламзор кўнгида мусаффо ҳидолан баҳра олиб мириқиб яйналарди. Афсуски сўнгги йилларда болан пўтүр кетди. Яшил гўша ташландиқ ҳолга келиб қолди. Атрофда ахлитхоналар пайдо бўлди. Шунга қарамай Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги аҳолининг бир неча бор қилган муножжатида қаримай бу ерни ободонлаштириш ишлари эътибор берилмапти. Газетамизда юкоридagi сарлавҳа остида берилган мақолада шулар ҳусусида тап борганиди. Яқинда ушбу масалалар бўйича куйидагича жавоб келди.

«Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ижроия маҳкамаси, туман ободонлаштириш бошқармаси, 5-сон маҳсуотане ҳодимлари билан биргаликда мақолада қийл қилинган жойларни кўздан кечириб уни тўғри, деб топди.

Дарҳақиқат, мақолада қийл қилинган «Оқтепа майдони» ва унинг атрофидаги кўча ва маҳаллар, айниқса, Самал Вургун номи, Увайсий номи, Отаҳий номи, С. Ёсенин номи, Байналимиди кўчалари ҳамда 2-Новиз маҳалласидаги майдоннинг сийратлари аҳоли ёмон даражада. Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Р. Нуруллоевга мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш кўзидан таштириш тadbирлар тузиб, уни оғишмай амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Ҳозир юкориди номлари зикр этилган майдон ва кўчалардан чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмоқда. Ободонлаштириш ишлари 1996 йил Наврў байрамигача амалга оширилади.

Э. ХОЛИМРАЕВ,

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 12 декабрдан бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳўжми 29,34 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 35,90 сўм даражасида қийл этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 13 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга шиббатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	26,48
1 Австрия шиллинги	3,54
1 Англия фунт стерлинги	55,06
10 Бельгия франки	12,12
1 Голландия гульдени	22,22
10 Греция дракми	1,51
1 Дания кронаси	6,43

1 АҚШ доллари	35,90
1 Миср фунти	10,57
1 Ирландия фунти	56,85
1 Исландия кронаси	0,55
10 Испания песети	2,92
100 Италия лираси	2,25
1 Канада доллари	26,01
1 Кувайт динари	119,79
100 Ливан фунти	2,25
1 Германия маркasi	24,90
1 Норвегия кронаси	5,64
10 Португалия эскудоси	2,37
1 Сингапур доллари	25,40
1000 Туркия лираси	0,64
1 Финляндия маркasi	8,28
1 Франция франки	7,21
1 Швеция кронаси	5,33
1 Швейцария франки	30,75
1 ЭКЮ	45,73
10 Япония иенаси	3,54
1000 Россия рубли	7,81

1 Эстония кронаси	3,11
1000 Украина карбованеци	0,20
1 Латвия лати	66,85
1 Литва лити	8,98
1 Козогистон тенгеси	0,56
1 Молдова лейи	7,89
1000 Беларусь рубли	3,12

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Накоплаган банклар эркин муомилаларга нақд валютани айирбошлаш шаклидаги орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва тақдирини келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда шиббатчилик ҳақи олинмайди.

Таълим усталарининг
зъкидлашларича ташлаб юбо-
ишдан бошқа нарсасга яра-
нидиган утмас «митох-лларин-
лар билган юртида ҳеч қачон
ўришмаган. Шундай экан, ўз-
ларини дерахтинг шохида эмас
аригда ҳисоблайдиганларнинг
ашгарасини қим оқиди? Суви
ойқайлатиб кетганларнинг бо-
дини силлаш қачонгача дивом
тади?

Фозилжон
ПОДГОМАЛДИБ,
«Халқ сўзи» муҳбири

Хуқуқий маданият-умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми. Хуқуқий тарбия — хуқуқий маданиятни ошириш воситасидир. Табиийки дунёқараш шаклланиб келатган ёшлар давлат нима, хуқуқ, қонунчилик нима, инсоннинг жамият олдидаги масъулияти нималардан иборатлигини яхши билишлари ва уларга тўла рия қилишлари керак. Ёшлар сиёсий ва иқтисодий истиқбол-мизнинг асосий тамойилларини ўзлаштиришлари учун алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Zero, улар жамиятнинг хуқуқий асосларини пухтароқ билишлари талаб этилади. Биз Тошкент давлат юридик институти малака ошириш факультетининг декани, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Фозил Ота-хўжаевдан ана шу ҳақдаги мулоҳазалари билан ўртоқлашганини сўрадик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги «Ёшларнинг хуқуқий таълимини таъминлаш тартиб-қоида» қарорига мувофиқ, республика аҳли вазирининг тегишли буйруғига асосан Тошкент давлат юридик институти таркибиде «Ўзбекистон давлат ва хуқуқ асослари» мутахассислигидаги ўқитувчиларнинг малака ошириш факультети ташкил этилди.

Тошкент давлат юридик институти ўз фаолиятини «Ўзбекистон давлат ва хуқуқ асослари» мутахассислиги бўйича ўқитувчиларнинг малака ошириш факультети тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқишдан бошлади. Низом 1994 йил 18 октябрда Тошкент давлат юридик институти ректори томонидан тасдиқланди. Низомга асос қилиб Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (15-моддаси) олинди. Ушбу Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти тўғрисидаги қоидалар асосида ишлаб чиқилди.

Факультетимиз зиммасига «Ўзбекистон давлати ва хуқуқ асослари» мутахассислигидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш вазифаси юклатилди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ўрта мактаб ва педагогика билим юрталарида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларнинг педагогик маҳоратини таъминлаш тартиб-қоида қаратилган ўқув-услубий ишларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- ички ва ташқи сиёсатни тушунириш, мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий мафқураси руҳида тарбиялаш;
- тингловчи ўқитувчилар учун гуманитар фанлар соҳасидаги янги билимлар асосида ўқув-услубий ишларни олиб бориш;
- жамият ривожланиши-

нинг истиқболларини ҳисобга олиб, умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқнинг кўп асрлик илмий

Хуқуқий дарехона

МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК



ва услубий анъаналарини эътиборга олиб, ҳозирги замон фан ва техникаси талаблари асосида касб маҳоратини таъминлаштириш;

— ўқитиладиган махсус фанлар бўйича билимларни чуқурлаштириш;

— ўртағишнинг илғор услублари ва билимини назорат қилиш воситалари билан қуроллантириш (ўқиш жараёнида ТСО, ЭХМ, рейтинг ва тест системаларидан кенг фойдаланиш).

Ўқув ишлари ишлаб чиқилган дастур ва 1995 ўқув йили учун тузилган режа асосида олиб борилаётган.

Факультет буюртма бажарувчи Тошкент давлат юридик институти, буюртмачи А. Авлоний номидидаги халқ таълими ҳодимлари малакасини ошириш марказий институти томонидан 1994 йил 21 октябрда тузилган шартнома асосида дастлабки ишларини бошлади. Утган йили 30 ноябрдан тингловчилар малакасини оширишга киришди. Тузилган режага биноан ҳар йили юздан ортқ ўқитувчи ўз малакасини оширади. Факультет тингловчилари Халқ таълими вазирлиги тизимида тарих, давлат ва хуқуқ асосларидан дарс берувчи ўқитувчилардир. Ўқиш муддати бир ой.

— Негиз асослари тарих, давлат ва хуқуқ асослари муаллимлари жалб этилмоқда. Ваҳоланки, бу иш билан барча педагоглар шуғулланишлари лозим эмасми?

— Фикрингиз тўғри. Аммо биз бир нарсани унутмаслик керак: ўқувчилар давлат ва хуқуқ асосларидан дастлабки маълумотни ана шу ўқитувчилар беради. Ўқув

режасини тузганимизда унга асос қилиб, эътиборни умумтаълим мактабларининг 9-синфда ўқитиладиган «Давлат ва хуқуқ асослари» дарсига доир мавзуларга қаратдик. Тингловчиларга маърузалар ва амалий машғулотлар олиб бориш учун институтининг етук олимлари ва тажрибали ўқитувчилари жалб этилган. Профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари ва амалий машғулотларида асосий эътибор Ўзбекистон давлати ва хуқуқ тарихи, давлат ва хуқуқ назарияси, конституцион хуқуқ, маъмурий хуқуқ, фуқаролик, оила, меҳнат ва жиноят хуқуқи, табиатни хуқуқий муҳофаза этиш ва шу фанлардаги ян-

лари малакасини ошириш марказий институтининг етакчи профессор-ўқитувчилари педагогика, психология, мактабшунослик фанларидаги янгиликлар тўғрисида мунтазам маърузалар ўқиб боришмоқда. Ҳозирги кунга факультетда тўрт мартаба сессия ўтказилди ва уни 134 тингловчи тамомлади. Сессияларимизнинг иккитаси кўча асосида ўтказилди. Бири Фарғона, иккинчиси Гулистон шаҳарлари вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институтида бўлди. Унда тингловчиларимиз вилоят маъмурий органларининг раҳбар ҳодимлари, яъни ички ишлар, прокуратура, адлия ва суд ҳодимлари билан учрашдилар. Бу учрашувлар

раҳбар ҳодимлар маъмурий органларнинг иш фаолияти ҳақида ҳикоя қилдилар. Тингловчилар саволларига жавоб қайтарилди. Маълумотлар вилоят телевидениеси ва радиоси орқали аҳолига етказилди. Бу тадбирлар тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Чунки улар олган назарий билимларини амалий органларнинг иш фаолияти билан боғлаб, билимларини мустаҳкамладилар. Айни вақтда Тошкент Давлат юридик институти бошқа махсус мутахассислар билан бир қаторда умумтаълим мактабларига юрист-педагоглар ҳам тайёрламоқда.

Хуқуқий жамиятни юксалтириш ва хуқуқий ахборот билан таъминлаш борасида Адлия вазирлиги қoшидаги «Алоқат» нашриёти, «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳам фаол ишламоқда. Нашриёт томонидан долзарб мавзуларда бир қатор хуқуқий адабиётлар чоп этилди. Факультет қoшида «Давлат ва хуқуқ асослари» кабинети ташкил қилинди.

Тингловчилар ўқишдан ташқари вақтларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, республика Ички ишлар вазирлиги академияси, Адлия вазирлиги қарашли академик Х. С. Сулаймонова номидида суд-экспертизаси институти, юридик институтининг криминалистика лабораторияси, академик Х. С. Сулаймонова музейларида бўлишлари ҳам назарда тутилган.

Хуллас, янги иш баравж бошланди. Бугунги кунда факультетимизда сабоқ олган мутахассисларнинг бу ишга муносабатлари анча яхши. Мутахассисларнинг малакасини ошириш, ёшларнинг хуқуқий маънавиятини юксалтириш борасида ҳам режаларимиз улкан. Бу режалар институт ва жойлардаги илм масканлари, тарбия ўқовлари жамоалари билан ҳамкорликда ҳал этилишидан умиддоримиз.

«Халқ сўзи» мухбири Э. БОЛИЕВ суҳбатлашди.

МАТЕМАТИК ТИЛШУНОСЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Тилшунослик билан машина, психология, математика, география ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин, деб ўйларсиз. Ҳозирда бир тилдан иккинчи бир тилга автоматик таржима қилишда замонавий электрон ҳисоблаш машиналари энг яқин ёрдамчи бўлиб қолди.

Тилшуносликнинг математик лингвистика, муҳандислик лингвистикаси, ҳисоблаш лингвистикаси соҳаларини чуқур эгаллаган олим — чимкентлик Қолдибой Бектосовдир.

Қолдибой Бектосов 1976 йилда «Туркий тиллар математик лингвистикаси» мавзусида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун муваффақиятли диссертация ёзган ва ҳозирда академик унвонига эга бўлган зафардаст педагог олимдир. Унинг икки юздан зиёд математика ва тилшуносликка оид илмий мақолалари, уттилган ортқ монографиялари мавжуд бўлиб, булардан, айниқса, «Тилшуносликда математик методлар», «Математик лингвистика», «Мухтор Азевонинг «Абай йўли» романи тилининг час-

тотали лугати», «Қозоқча-русча ва русча-қозоқча лугат» (ЭХМда) қабилир жаҳонга машҳурдир.

Яқинда Қозогистон Республикасининг Чимкент шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли халқаро Қозоқ-турк университетиде Қозогистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, академик Қолдибой Бектосов таваллудининг 75 йиллиги ва илмий-педагогик фаолиятининг 50 йиллиги муносабати билан «Туркий тиллар терминологиясининг компьютер фонди» муаммолари бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни университетнинг вице-президенти, кимё

долзарб назарий ва амалий вазибаларидан бири — туркий тиллар терминологиясининг компьютер фондини яратиш туркий тиллар терминологиясининг координациялаш — провардила, туркий тилларнинг ўзаро муносабати, маданий-маънавий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат этади.

Халқаро анжуман ишти-



роқчилари шуни алоҳида қайд этиб ўтилдики, туркий тиллар атамаларини тўлиқ ишлаб чиқиш, уларни ўзаро яқинлаштириш, туркий халқлар учун тушунарли бўлган умумий сўзликлар-лугатлар яратиш туркий тилда сўзлашувчи республикаларнинг ўзаро илмий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш жараёнини жадаллаштиради.

Мазкур халқаро анжуман туркий тили республикаси учун «Терминология ассоциацияси» тузиш ва унинг Низомини ишлаб чиқиш, ўрта турк тили сўзлигини яратиш, туркий тилларнинг лотин ёзувида ўтишини жадаллаштириш қабилирга доир етти банддан иборат қарор қабул қилди. Халқаро илмий-амалий анжуманларни мунтазам ўтказиб туриш режалари ишлаб чиқилди.

Анжуман сўнгиде Қозоқ-турк университетининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» лабораториясида Қозогистонлик олимлар томонидан «Машина-таржимон», «Машина-муҳаррир», «Машина лугат тузили», «Машина сўзларни бўғинларга ажратили», «Машина аннотация тузили» каби қизикарли тажрибалар намойиш этилди.

Суннатулла РИЗАЕВ, Тошкент мқтисодий университетининг доценти.

«РАЙХОН»НИНГ БЕЖИРИМ ПАЙПОКЛАРИ

Беруний туманидаги «Райхон» ҳиссдорлик жамияти жамоаси яна бир янгиликка қўл урдилар. Бу ерда Қорақалпоғистонда илк бор пайпоқ тўқиша бошланди.

Асосан, доқа тўқиб чиқарадиган бу жамоа аъзолари олдин айри-бошлаш йўли билан пайпоқ тўқийдиган олтига ускуна олиб келиб ўрнатдилар. Кейин яна пайпоқ тўқишда ишлатиладиган эластик ип олдин пахта ипига алмашлаб олинди. Мана, энди олтига дастгоҳ бехўтоҳ ишлаб, 4 хил пайпоқ, шу жумладан, бир хил болалар пайпогини тўқиб чиқара бошлади. Энг муҳими — бу пайпоқларнинг таннатари уларнинг сотув баҳосидан деярли икки ҳисса арзон тушмоқда.

«Райхон»ликлар ишлаб чиқаришининг бу тармоғини бундан бун ҳам анча кенгайтиришни режалаштирганлар. Ҳозирча бу ерда бир сменда 500 жуфт бежирим пайпоқлар тўқиб чиқарилмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.



Вобкент туманидаги (Охунбобоев) номли жамоа ҳўжаликда кичик корхоналар фаолиятини янада кучайтиришга, уларнинг сонини кўпайтириш билан бирга кўлаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳозир ҳўжаликда гилам ва кигиз ишлаб чиқариш, шили оқлаш, қаминида девор тўсиқлари тайёрлаш, нон, қулаччилик, чехлар, гитт заводи, мойжувоз ишлаб турибди.

СУРАТ/ДА: ҳўжалик қулаччилик цехи ишчилари Д. Эшплатова ва К. Чўлпанлар.

Идоралар, корхоналар, жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

«Узавтосозлаш» СХЖ ва №8 ТТСЗ бош корхонаси (700015, Тошкент ш., Ойбек к., 47, тел.: 33-13-84) буюртмачилар билан 1996 йил 1 январгача таъмирлаш жамгармасига топширилган ва номенклатура бўйича таъмирланганидан маҳсулотларнинг, яъни реле-таксимлагич, генератор, ўтолдиргичлар, компрессорлар, таксимлагичлар (распределителлар)ни таъмирлаш борасида буюртмачилар билан буюртмаларни қиёслаш ўтказилади.

Агарда буюртмачилар белгиланган муддатда келишмаса, буюртма бекор қилинади ва ишлаб чиқаришдан олинади.

Диққат, янгиликлар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютда янги омонат турларини таклиф этади.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудиде доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари, ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

«Талаб қилиб олинандиган» омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган «муддатли» омонатларга эса 4 фоиз миқдориде эркин муомаладаги валютда даромад тўланади. «Талаб қилиб олинандиган» омонатта камида 200 АҚШ долларига, «муддатли» омонат очилингиз учун эса 500 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйилса ёки нақд пулсиз ўтказилса кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан, ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки.

Тежалгани нақд фойда

ҲАМ ШОЛИПОЯ, ҲАМ БУҒДОЙЗОР

— Фаллачилик яқин йилларда энг камчиким, айни пайтда энг сердаромад тармоққа айланади, — дейди Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» жамоа ҳўжалиги раиси Отаназар Абдурахимов

Факт ва рақамлар билан аниқлаш ташкил, раис ҳайвон таъминотидаги ўзининг ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Гап шундаки, бошқоқ соҳалардагидек, деҳқончиликда ҳам даромаднинг кўп қисми ёшларнинг қўли билан асбоблар билан таъминланади. Табиийки, бунда асосий иш техника, транспорт воситалари зиммасига юклатилди.

Ҳўш, ана шу сарфлар харажатларини қамқатириш чор-тадбирлари нимадан иборат? — Матлумки, ҳамма жойда ери экинчи техника-транспорт воситалари ердимида ҳозирлашди, — дейди раис. Бунга анча-мунча миблат ҳи-ржаланиш табии. Бу йил деҳқонлар ҳосили тўла те-риб олинмаган тўза қатор ор-шини қўлтириш ердимида қўмнатиб, пилда экин тажри-басини қўллангани бу — экиннинг анча тежамкор усу-ли. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида бундай чимкидан ҳам деҳқонга қўлиқ қилиди. Харажатларини бундан ҳам кўпроқ тежаш йўлларини из-ламоқ даркор. Бошқоқлар ни-шиб этилиб, бирок ҳосили ҳали ўриб олинмаган шили майдонларига қўлда бугдой ҳосил қилган ҳўжалик аҳли бу

биз излаган самарали ва қўлай усули бўлиб чиқди. Фал-лани шу усул билан экин учун техника-транспорт воси-талари деярли талаб этил-майди. Улар факат ўрим-йи-гим палласидигина зарур бў-лади. Демак, ёшларнинг қўли билан асбоблар билан таъ-минланади. Табиийки, бунда асосий иш техника, транспорт воси-талари зиммасига юклатилди.

Шундай қилиб, бугдойчи-лик талақорлар бу йил шили йитгани арафасида 50 гек-тар майдонга бугдой уруғини секинди. Август-сентябрь ой-ларида сочилиш уруғ ади-қачон яшш майдон ҳосили ке-лиди. Шу орыда шили ҳосили ҳам йитиб олинди. Эндай та-лақорлар бугдой майдонларини сугориш, уғитлаш ишлари билан банд.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, шилизорларга бугдой экиндек ибратли тажрибани Хоразмда биринчи бор Хина туманидаги «Қорқум» жамоа ҳўжалиги аъзолари қўлашди. Утган йили бир печа тектар шилиноятга секинган буг-дойдан 1995 йил пилла ма-сумиди 40 центтердан ҳосил олинди. Бу пилладан қияят ҳосил қилган ҳўжалик аҳли бу

йил кулда 25 гектар яъни ўт-ган йилдагидан 5 баравар кўп майдонга шу усулда бугдой экли. Фаллакорларнинг иб-ратли ишлари талайгина. Асосий эътибор «Ёнбош» налли ҳосилдор ва камчиким бугдой навлани тадқиқотчи олимлар, тажрибали деҳқон-лар маслиҳати асосида Хо-разм широйитига тўла мосла-штиришга қаратилган. Дарво-қе, бу налли бугдой воҳиди илк бор пилла шу ҳўжалик да-лиларига экинди ва дастлаб-ки йиллик қўнғизларидек ҳо-сил олинди. Бу ютуқдан рух-ланган буғдойчиликлар 1995 йил кузиди «Ёнбош» майдон-ларини қарийб 4 баравар кў-пайтириб, жами 200 гектар-ча, умумий бугдойзорни эса 500 гектарга етказдилар. Сер-ҳосият «Ёнбош»дан олинган уруғлик бу йил воҳиднинг қи-тор ҳўжаликларида ҳам етказ-иб берилди. Келгуси йил қўлашетаган 800 тонна буг-дой эса вилоят туманлари ва ҳўжаликларининг уруғликка бўлган эҳтиёжини асосан қўлайди. Бошқа навларини ҳам қўлиб ҳисоблаганда ҳў-жалик бўйича жами 1500-1600 тонна бугдой олинди.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Самарқанд туманида ишовчи ака-ука Оруз, Раббин, Раишан, Ҳайдаржон Мухаммадиевлар ўзаро маслаҳатлашиб бадалари Мухаммади Уроқов номи билан боғлиқ маҳалани обод этишга келишмоқда. Кўча кираверилишига ташкилий ёнлар бўлиб, ак-ки қиёмати, замонавий «Заршот» фирмаси барпо этилади. Фирма қўшича тикуччилик цехи, нововязка, чимхона, сарта-рошхона, озиқ-овқат ва ҳўжалик моллари дўкани ишлаб турибди. 50 дан зиёд қи-т-жушлар меҳнат қилаётган тикуччилик цехида турли иш қиймалари, бадалар ва аёллар уст-бошлари тикилиб, аҳолига сотишмоқда.

СУРАТ/ЛА: фирма бошлиги Ҳайдарали Уроқов чепарлар би-лан; тикуччилик цехи бичувчиси Барот Убайдуллаев ва ердамчи Замира Саломова.

Тоҳиржон Ҳамроқов олган суратлар.

